ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил 25 октябрь ЖУМА № 82 (5.754) сотувда эркин нархда

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

## ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ




Конференциянинг иш пайти.

А.ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА).

24 октябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади.

Бу илмий анжуман соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ўтказилган тантаналарнинг мантиқий давомидир. Соҳибқирон юртида ўтказилаётган бу халқаро илмий анжуманга ҳам шу обрўли халқаро ташкилоти шафеълик қилмоқда.

Конференция иштирокчилари анжуман бошланиши арафасида пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидаги соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйиб, буюк даҳога эҳтиром билдирдилар. Улар Темурийлар тарихи давлат музейига ҳам ташриф буюриб, ундаги қимматли экспонатлар билан танишдилар.

Маълумки, буюк Амир Темур нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган давлат арбоби, саркарда ва илм-фан ҳомийсидир. Шу боис улуғ бобокалонимиз номини қоралашга уринган шўро замонида ҳам жаҳонда унинг шахсига ва фаолиятига катта қизиқиш ҳеч қачон сўнгани йўқ. Ўзбекистон мустақил бўлиб, Темур авлодлари буюк соҳибқироннинг муборак номини, у ҳақдаги тарихий адолатни тиклашга киришган бир пайтда ўтаётган мазкур конференцияда дунёнинг 25 мамлакатидан йирик олимлар, тадқиқотчилар, жамоат арбоблари иштирок этаётгани бу қизиқишнинг тобора кучайиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев халқаро илмий анжуманни очди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Юртбошимиз анжуман иштирокчиларини Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи байрами билан қутлади. Амир Темур даҳоси, унинг тарих саҳнасига чиқиш сабаблари, буюк бунёдкорлик фаолияти, бугунги кунда соҳибқирон шахсига нисбатан тарихий адолатни тиклашнинг моҳияти ҳақида маъруза қилди. (Президент Ислом Каримовнинг конференциядаги маърузаси матни матбуотда эълон қилинмоқда).

ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч уммони мамлакатлари бўйича директори С. Окажима конференция иштирокчиларига ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг табригини ўқиб эшиттирди ҳамда буюк соҳибқирон ва Темурийларнинг тарихий хизматлари ҳақида сўзлади.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ўз сўзида Амир Темурнинг давлат арбоби, саркарда, туркий халқлар маънавияти ривожида муҳим ўрин тутгани ҳақида фикр юритди, улуғ соҳибқирон умумтуркий ватанпарварлик намунаси эканини алоҳида таъкидлади. Боболар номини улуғлаш, улар меросини ўрганишда жонбозлик қилаётган ўзбек халқига ташаккурини изҳор этди.

Франциялик Люсьен Керен, америкалик Ричард Нельсон, мисрлик Насрулло Мубошир Тарозий, германиялик Клаус Пендер ва бошқа йирик тадқиқотчи-олимлар Амир Темурнинг Европа давлатлари билан дипломатия алоқалари, унинг ҳарбий стратег сифатидаги иқтидори, Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзмалар, Темурнинг оламшумул мероси каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида конференция ўз ишини беш шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирди.

Конференция иштирокчилари «Амир Темур ўрта асрнинг йирик ислоҳотчиси, давлат арбоби, лашкарбошиси», «Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт», «Амир Темур — фан, маданият ва таълимот ҳомийси», «Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари», «Амир Темур ва Темурийлар даври тарихнавислиги» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Кечга яқин халқаро илмий конференция иштирокчилари яна «Туркистон» саройида ялпи мажлисга йиғилдилар.

Шўъба раислари йиғилганларга Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида билдирилган мулоҳаза ва фикрлар ҳақида ахборот бердилар.

Сўнгра тингланган маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу билан «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция ўз ишини якунлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темур юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов иштирок этди.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва хорижий давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлди.

Конференция иштирокчилари 25 октябрь куни соҳибқирон салтанатининг пойтахти бўлган қадимий Самарқандга ташриф буюрадилар, юбилей тантаналарида иштирок этадилар.

(ЎзА).

# АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хонимлар ва жаноблар!

. Конференциянинг муҳтарам иштирокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналаридаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва Темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намоёндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахо маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

**Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат — хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин.** Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Муғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

**Иккинчи хулоса** аслида биринчи фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиқлантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

**Учинчи мулоҳаза** ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк Ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг;

«Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Тўртинчи фикр.** Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

**Бешинчи фикр.** Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги муътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна **бир муҳим масалага** тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

**Биринчидан,** Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳу-

(Давоми 2-бетда).

## ТЎРТ ТУМАН ЗАФАРИ

Андижон вилояти пахтакорлари зафар марраси сари тобора яқинлашиб келишмоқда. Кундан-кунга ғолиблар сафидан ўрин олаётган бригадалар, жамоа хўжаликлари, туманлар сони ортиб бормоқда. Куни кеча вилоятда яна 4 туман ғалаба рапортига имзо чекди.

*** БУЛОҚБОШИ тумани пахтакорлари илғорлар сафида бориб, оқ олтин топшириш йиллик режасини уддалашди. Улар Ватан хирмонига ўн минг тоннадан зиёд пахта уйдилар. Ҳосилдорлик ўртача гектар бошига 29 центнерни ташкил этди.**

*** ШАҲРИХОН тумани заршунослари ҳам карвондан ортда қолмай, зафар маррасига етиб келдилар. Ишбилармон пахтакорлар тўккан пешона тери зое кетмади. Муддатидан илгари 29 минг тонналик хирмон бунёд этилди.**

*** ЖАЛОЛҚУДУҚликлар пахта тайёрлаш давлат топшириғини ошириб бажардилар. Ватан хирмонига 22 минг тоннадан ортиқ оқ олтин топширилди.**

*** ҚЎРҒОНТЕПА. Кунни тунга улаб ҳалол меҳнат қилган туман заршунослари ғалаба рапортига муддатидан барвақт имзо чекдилар. Қабул қилиш пунктларига 23,5 минг тонна пахта топширилди. Оқ олтинни бир мисқолини ҳам нобуд қилмай териб олиш давом этмоқда.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

Тўрткўл туманидаги»Мискин» ширкатлар уюшмаси заршунослари давлатга пахта сотиш йиллик режани бажардилар. Хўжаликда ишлар пудрат асосида ташкил этилгани кутилган самарани берди. 542 пудратчи ғўзани илғорлар тажрибасига таяниб, агротехника талаблари асосида парваришлади. Қабул пунктларига 2285 тонна хом ашё етказиб берилди.

Режа уддаланган бўлса-да, терим суръати сусайгани йўқ. Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб маррага етган уюшма деҳқонлари яна 300 тонна ҳосил топширишга келишиб олдилар.

Саодат ИБОДУЛЛАЕВА.

## Хирмонга барака

### РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

| Вилоятлар | бир кунда | мавсум бошидан |
|---|---|---|
| Андижон | 0,75 | 95,01 |
| Хоразм | 1,01 | 85,90 |
| Сурхондарё | 0,88 | 82,23 |
| Бухоро | 0,71 | 81,43 |
| Қашқадарё | 1,00 | 80,35 |
| Навоий | 0,77 | 76,90 |
| Самарқанд | 0,89 | 76,37 |
| Тошкент | 1,72 | 72,96 |
| Наманган | 0,97 | 70,44 |
| Фарғона | 0,74 | 69,68 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,81 | 54,25 |
| Сирдарё | 0,98 | 49,97 |
| Жиззах | 0,96 | 47,41 |
| Республика бўйича | 0,93 | 73,00 |

### Жумладан ингичка толали пахта

(тонна ҳисобида)

| | | |
|---|---|---|
| Сурхондарё | 675 | 35709 |
| Қашқадарё | 245 | 13867 |
| Наманган | — | — |
| Республика бўйича | 920 | 49576 |

## МАВСУМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

**БОҒДОД.** Марказий Фарғона чўлларининг шимолий Боғдод массивида деҳқончилик қилаётган бўрдоқичилик корхонаси чорвадорлари пахта етиштиришда ҳам бўш келмадилар. 180 тонна оқ олтин топшириб, туманда биринчи бўлиб зафар қучдилар. Пахтазор юлдузлари Муҳаррам Зарипова, Маликахон Исмоилова, Гулбаҳор Мадумарова мавсумда 5 тоннадан пахта териб, ҳурматга сазовар бўлдилар. Чорвадорлар айни пайтда пахта ҳосилдорлигини 30 центнердан оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

**ФАРҒОНА.** Ўтган йил режаси 76 фоизда қолиб кетган Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил самарали меҳнат қилдилар. Ер, сувдан, минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишди. Натижада 590 тонна пахта йиғиб-териб олиб, зафар қучдилар.

Хўжаликнинг ижара пудрати асосида меҳнат қилаётган Насибахон Камолова, Муталибжон Орипов, Шунқорали Ғозиев бошлиқ бригадаларида йиллик режалар 145-150 фоизга бажарилди. Чевар теримчилар ҳар беш кунликда 3400-3500 сўмдан иш ҳақи олишмоқда.

**УЧКЎПРИК.** Мирзааҳмад Деҳқонов номли жамоа хўжалигининг Азамхўжа Уринов бошлиқ 15-бригадаси аъзолари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. 34 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан биринчи навли хом ашё топширилди.

— Бригада муваффақиятига, — дейди саркор Азамхўжа ака, — Турсуной Қосимова, Ҳадичахон Мирзаалиева, Саломатхон Ёдгорова, Мақсудахон Аҳмедова сингари фидоий теримчилар мавсум топшириғини 200 фоиздан ошириб бажариб, муносиб ҳисса қўшдилар. Пайкалларда ҳали ҳосил мўл, яна ҳар гектардан 12 центнердан пахта териб олиб, ҳосилдорликни 50 центнердан оширамиз.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

## Авлодлар мардона руҳи бизга ёр



Соҳибқирон Амир Темур давлатни идора қилишда эллар орасида ўзаро дўстликни ғоят қадрлади, ўғил ва набираларга васият қилиб: «Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб, салтанат мартабасига эришдим», — дейди. Буларнинг энг асосийлари қуйидагилардир: «... ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим. Ўн икки табақа тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим». Яна бир мисол: «... Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим, хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Хабарчилар (тарихчилар) шижоатли кишиларни

## БУЮКЛИК

дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайдилар. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим».

Соҳибқирон кўнгли нопок одамларни ёқтирмай: «бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмасдим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф улуғлари ва бузруклари билан ошно тутиндим...», — дейди.

Амир Темурдаги яна бир ноёб хислат шуки: «... Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим...», дейди.

Амир Темур давлатни бошқаришда одамларнинг садоқат ва хизмат сифатларини жуда яхши билган. У сотқинларни, яъни ўз хўжасига хиёнат қилиб, хизматига келганларни ёқтирмай шундай дейди: «... Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим, унинг акси уларoқ агар ғаним сипоҳийдан бирор одам ўз вали неъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни қадрлаб, ишончини қазондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим». Амир Темур давлатни бошқаришда оммага суяниб, сайидлар ва уламони иззат-ҳурмат қилишга, ҳар қандай истаклари бўлса дарҳол муҳайё этиб, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришга, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарли миқдорда олтин, деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғлик беришга амру фармон қилган.

Соҳибқироннинг давлатни бошқаришда яна бир олийжаноблиги шундаки, у доимо ўзини эл хизматида деб билади ва бу тўғрида шундай дейди: «Яхши подшоҳ, подшоҳлик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун қудратли Аллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган, фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу менинг асосий машғулотим бўлиб қолади».

Деҳлидаги Зокир Ҳусайн номидаги Ислом тадқиқотлари институти директори, доктор Саид Жамолиддин ўзининг шу йил инглиз тилида нашр этилган «Темур давлати» китобида шундай деб ёзади: «Амир Темурнинг энг буюк хизматларидан бири авлодларига мукаммал бошқарув тизимига эга бўлган давлатни мерос қолдиргани бўлди», дейди. Юқоридагиларга якун ясаб, шуни айтишимиз мумкинки, Соҳибқирон давлатни идора қилишда ўз даврининг тенги йўқ тадбиркор ҳукмдори бўлган.

Амир Темур салтанатида давлатни идора қилишида бош қонун, барча мусулмон давлатларида бўлганидек, Қуръони карим ва «Темур тузуклари» бўлган. Машҳур олим Д. Н. Лагафет: «Оврўпада конституция ҳақида, оддий тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда давлат конституцион қонунлар мажмуаси — тузуклар мавжуд бўлган ва амал қилган», — дейди.

Амир Темур «Тузуклар»ида бу тўғрида шундай дейилган: «Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифа салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисоблардим». Амир Темур ҳар қандай адолатсизликдан холи бўлиш ниятида марказлашган давлат барпо қилди. Соҳибқирон: «... Бутун мамлакатда буйруқ фармон бериш ишлари подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди. Фармонга ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмасин: итоат ва тобъелик қилиб, исён кўтармасин», дейди.

Амир Темур подшоҳ фармони вожиблигини қувватлаб: «... нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм ҳурматидан бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми билан дир. Салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин», — дейди.

Амир Темур давлатида мавжуд бўлган давлатни бошқаришга ҳеч кимни шерик қилмаслик бизнинг амалдаги конституциямизнинг 93-моддасининг 21-бандида ҳам ўз ифодасини топган. У ерда шундай дейилади «... Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас».

Соҳибқирон ҳар қандай етказиб келинадиган гап-сўзларга ҳам ақл билан ёндошади ва бу тўғрида шундай дейди: «Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим, агар булар ўз фаолияти даврида салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришда шошмасликлари, балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъволарининг рост-ёлғонлигини текшириб кўрсинлар. Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар, ё кўролмай ёки таъмагирлик билан ёлғон тўқиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва (палид) мақсадларига етишадилар».

Соҳибқирон давлатидаги яна бир ажойиб қонун, ҳар бир киши қилган иши учун битта жазога тортилади ва бу тўғрида: «Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уруш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар», дейди. Соҳибқирон демоқчики, ҳар бир киши қилган хиёнат ва жиноятига яраша бир маротаба жазолансин.

Амир Темур давлатидаги қонуннинг барчага баробарлиги тўғрисида: «... менинг қавму-қариндошларимга, ўз ҳолига қараб ва қобилиятига яраша мартаба берилсин. Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб, ҳаддидан ошмасин. Бунга хилоф равишда иш тутганлар жавобгарликка тортилсинлар». Бунга қўшимча қилиб: «агар набиралар ёки қавму-қариндошлар душманлик қилишса, уларни (маошларидан маҳрум қилиб) дарвиш ҳолатига солсинлар», дейди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Соҳибқирон талабчанлик билан адолатпарварликни, кечирувчанликни қўшиб олиб борган.

Амир Темур шахсига кўплар қатори тарихчи Шарофуддин Али Яздий тўхталиб шундай дейди: «Ўз аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олур эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечиради, негаки, у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди».

Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг яна бир ажойиб хислатини баҳолаб, шундай деб ёзади: «У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-торож, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У ҳақиқат қанчалик аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсунишга мажбур эта оларди».

Амир Темур ўлими олдидан: «... Худонинг марҳамати била мукаммал тартиб-қоидалар ўрнатдимки, энди Эрон ва Туронда ҳеч ким ўз яқинига ёмонлик қилмайдилар, бадавлатлар фақирларни эзмайдилар, подшоҳлик davrимда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида карам фуқаролардан хабардор бўлиб турингглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар», дея ўз авлодларини огоҳлантирди.

**Абдузоир ЖАЛИЛОВ,**
**доцент.**

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ФАРЗАНДИГА ҚИЛГАН ЮЗ НАСИҲАТИ

**Эй фарзандим, улуғ ва қудратли яратувчини тани.**

* * *

**Кимга панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил.**

* * *

**Сўзни ўз қадрингга лойиқ гапир.**

* * *

**Одамларнинг қадрини бил.**

* * *

**Ҳамманинг ҳақ-ҳуқуқини англа.**

* * *

**Сирингни махфий тут.**

* * *

**Дўстингни қийин кунда сина.**

* * *

**Дўстингни фойда ва зиёнда имтиҳон қил.**

* * *

**Аблаҳ ва нодон одамлардан қоч.**

* * *

**Доно ва зийрак дўстни танла.**

* * *

**Яхши ишга қаттиқ кириш.**

* * *

**Аёлга қаттиқ ишонма.**

* * *

**Софдил ва доно кишилар билан маслаҳат қил.**

* * *

**Сўзни исбот билан гапир.**

* * *

**Ёшликни ғанимат бил.**

* * *

**Ёшликда икки дунё ишларини қилиб қол.**

* * *

**Ёру дўстларни азиз тут.**

* * *

**Дўст душманга юзингни очиқ тут.**

* * *

**Ота-онани ғанимат тут.**

* * *

**Устозни отадан азиз бил.**

* * *

**Харжни қиримга қараб қил.**

* * *

**Ҳамма ишда ўртача иш тут.**

* * *

**Олижанобликни ўзингга шиор тут.**

* * *

**Меҳмоннинг хизматини қудадек қил.**

* * *

**Бировнинг уйига кирганда кўз ва тилингдан эҳтиёт бул.**

* * *

**Либосингни ва баданингни тоза тут.**

* * *

**Жамоа билан ҳамдард бўл.**

* * *

**Фарзандингга илму адаб ўргат.**

* * *

**Иложи бўлса, фарзандингга чавандозлик ва мерганликни ўргат.**

* * *

**Этик ва ковуш кийганингда, ўнг оёқдан бошла чап билан еч.**

* * *

**Биров билан иш қилсанг, ўшанга лойиқ иш қил.**

* * *

**Тунда гапирсанг охиста, мулойим, кундузи ён-атрофинга қараб гапир.**



Дўстлик тумани «Дўстлик» ширкатлар бирлашмасида яшовчи 74 ёшли Баҳриддин ота Худойназаров 7 фарзанд, 15 нафар невара-чеваралар ардоғида қарилик гаштини сурмоқда. Айни кунда отахон кексалигига қарамай пахта йиғим-теримида фаоллик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Баҳриддин ота қизлари Назирахон ва невараси Беҳзоджонлар билан.

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

*Ҳар тўғрида*

## ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ

Муҳаббатнинг сеҳрли қудрати тўғрисида барчамиз эшитганмиз, китоблардан ўқиганмиз. Бу улуғ туйғу оғушида ўзини ҳар нарсага қодир ҳис этганлар ҳам йўқ эмас. Инглиз олимлари ушбу ҳолатнинг намоён бўлишини замонавий ускуналар ёрдамида текшириб кўришди. Натижада шу нарса аниқландики, муҳаббат туйғусини дилга жо қилган одам танаси энг мақбул тарзда фаолият кўргаза бошларкан. Чунончи, бахтиёрлик ҳисси жўш урган онларда қондаги ҳимоя моддалари сони кескин ортади. Хусусан, кортизон ажралиб чиқиши натижасида кучли меҳр-муҳаббат соҳибларининг жароҳатлари, улардаги яллиғланиш жараёни тез шифо топаркан. Бундан ташқари, шамоллаш, бошқа хасталиклар бошқаларга нисбатан кам учраркан.

Ушбу тадқиқотларга бош-қош бўлган бременлик шифокор Вальтер Ридингер шундай хулосага келди: «Муҳаббат — энг яхши малҳамлардан биридир».



**Ғиждувон азалдан ҳунарманд усталари, қўли гул новвою қандолатчилари, чеварлари билан донг таратган. Бугунги кунда бу азим туманнинг шуҳрати қайта тикланиб, ҳунармандчиликка кенг йўл очилмоқда. Ҳар бир маҳаллада кичик корхоналар ташкил этилмоқда. Айниқса, А. Навоий номли жамоа хўжалигида жойлашган Улуғбек якка деҳқон фермер хўжалигига қарашли тикувчилик цехи мақтовга сазовордир. Бу ерда хотин-қизлар, эркаклар, болалар кийим-кечаклари тикилмоқда.**

**СУРАТДА: цех моделчиси Марғуба Хўжаева чевар тикувчи Сурайё Очилова билан.**

**Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.**

## «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, оммавий газетаси— «Қишлоқ ҳаёти» йигирма уч йилдан бери азамат пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, миришкор боғбонлар, агросаноат мажмуи барча соҳалари ходимларининг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши ва таянчи бўлиб келмоқда. Илғорлар тажрибасини, фан-техника ютуқларини, жаҳон деҳқончилигида эришилаётган натижаларни тарғиб этиш, қишлоқдаги оддий заҳматкаш кишиларнинг яратувчилик меҳнатини, дунёқарашини, орзу-умидларини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, маънавият масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Таҳририят 1997 йилда ҳам узоқ йиллар давомида шаклланган анъаналарни давом эттиришга, уларни янги-янги мавзулар билан бойитишга, истиқлол юртдошларимизга бераётган эркинликларни ва имкониятларни янада ёрқин кўрсатишга азму қарор қилган.

### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газеталарга ўз вақтида обуна бўлсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Обуна бўлиш чакана савдода харид қилишга нисбатан иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги, қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бу йил обуна баҳосини белгилашда табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатишда турлича миқдорда сарф-харажатлар кетиши ҳисобга олинди. Таҳририят, қоғоз, бўёқ ва бошқа босмахона харажатларига вилоят ҳамда туманлар ҳудудида ташиш, тарқатиш билан боғлиқ сарфиётлар қўшилган ҳолда якуний баҳо аниқланади.

**Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 64602. Хўжалик, корхона, ташкилотлар учун индекс — 64646.**


*Хўжалик ветеринарлари, фермерлар, аҳоли диққатига*

## ЧОРВА МОЛЛАРИГА ДОРИ КЕРАКМИ? КЎМАККА ТАЙЁРМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг давлат Ветеринария бош бошқармасига қарашли «Ветдори» фирмаси Тошкентдаги омборидан банк орқали пул ўтказиш йўли билан ёки векселга чет элда ишлаб чиқарилган юқори самарали қуйидаги ветеринария препаратларини сотмоқда:

— **ПРОТЕИД** — Америка Қўшма Штатларидаги «Цианамид» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бу дори микроэмульсия кўринишида бўлиб, қорамол, қўй-эчкилар касалликларга чалинишининг олдини олиш, уларни турли зараркунанда ва ҳашаротлардан муҳофаза этиш мақсадида қўлланилади. Мазкур препарат юқорида қайд этилган чорва молларини зооветеринария талабига биноан чўмилтиришда қўлланиладиган янги восита ҳисобланади. 1 литр препарат эмульсиясини 1 тонна сувга аралаштириб, чўмилтириш воситаси тайёрланади.

Чорва молларида учрайдиган кана, сўна ва бошқа сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда фойдаланиладиган бу янги препарат ҳозиргача қўлланилиб келинган бошқа дорилардан кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради. Хусусан, препарат таркибидаги альфациперметрин ва супон моддаларининг ўзаро кучли бирикуви ҳисобига самарадорлик даражаси ғоят ошади. Шунингдек, чорва молларини чўмилтириш учун мўлжалланган эмульсияни ваннадан ёки бошқа ҳавзадан ҳар куни тўкиб ташлашга ҳожат йўқ. Ундан узоқ вақт давомида фойдаланиш мумкин. Бу — дорини иқтисод қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш имконини беради. Чорва моллари терисига салбий таъсир этмайди. Шу сабабли терисида очиқ яраси бор молларни, соғин сигирларни, бўғоз ва ёш жониворларни ҳам бемалол чўмилтириш мумкин.

Протеид препарати эмульсиясини тамомила ишлатиб бўлгандан сўнг ундан чорвачилик биносига канага қарши ишлов беришда фойдаланиш тавсия этилади.

**ЦИДЕКТИН** — чорва молларини ташқи ва ички томондан сўрувчи, улар ҳисобига яшовчи гижжа, қурт сингари паразит зараркунандаларга қарши қўлланиладиган янги препарат ҳисобланади. Бу дори 1 фоизлик аралашма сифатида чиқарилиб, чорва моллари териси орасига укол қилишга мўлжалланган. Бир марта укол қилиш кутилган натижани олиш учун кифоядир.

Мазкур янги дори узоқ вақтгача самарали таъсир этиш кучига эга. Хусусан, ҳар 25 килограмм тирик вазн ҳисобига 0,5 миллиграмм дозасида бир марта қилинган укол қурт ва гижжаларни 35-42 кун давомида, канани эса 56 кунгача даф қилиб туради. Бундай паразитларга ва зараркунандаларга қарши цедектин препарати ёрдамида самарали курашиш чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, «Ветдори» фирмаси турли антибиотикларни, витаминларни, чорва моллари нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзоларида учрайдиган касалликларни даволашда қўлланиладиган дориларни, биопрепаратларни ҳам сотиб олишни таклиф қилади.

**Фирма манзили: 700022, Тошкент, Қушбеги кўчаси 22-уй.**
**ёки Тошкент, Марказ-15, 12-уй, 1-квартира.**
**Телефон (факс)лар: 41-08-66; 56-59-91.**


## ҒАЛАБАДАН ҒАЛАБАНИНГ ФАРҚИ БОР



«Дўстлик» бу йилги мавсумда муваффақиятли тўп сураётган жамоалардан. Тошкент вилояти чарм тўп усталари мамлакат биринчилигида ҳам, биллур соврин баҳсларида ҳам ўзларини кўрсатишмоқда. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон кубоги учун «Нефтчи» билан бўладиган ярим финал учрашуви олдидан дангал бир нима дейиш қийин эди.

Зеро, олдинги турда Андижонда «Наврўз»га ютқазиб олтин медаллар учун баҳсда ўзини мушкул аҳволга солиб қўйган «Нефтчи» энди асосий эътиборни биллур совринни қўлга киритишга қаратишини англаш қийин эмасди. Лекин «Дўстлик» футболчилари ўйин бошланиши ҳамон рақиб дарвозасини ишғол қилишга астойдил киришишди. Мезбонларнинг саъй-ҳаракатлари биринчи таймнинг ўрталаридагина кутилган натижага олиб келди: команданинг етакчи ҳужумчиларидан бўлган Ж. Ирисметов мўлжални аниқ нишонга ола билди.

Шундан кейин ҳисобни оширишга қаратилган уринишлар самара бергани йўқ. Мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони эса, афтидан, ўз майдонида бўладиган такрорий учрашувга кўз тикиб мувозанатни тиклаш йўлида астойдил қатъият кўрсатмади. Албатта, 0:1 ҳисобидаги мағлубият «Нефтчи»га етарли имконият қолдиргандек туюлади. Лекин шуни унутмаслик жоизки, «Дўстлик» мамлакат чемпионатида бронза медалларга асосий даъвогарлардан бири бўлган «Нурафшон»ни яқинда Бухорода доғда қолдирган эди. Нима бўлганда ҳам, бир ҳафтадан кейин Фарғонада ўтадиган такрорий ўйин қайси команда финалчи бўлишини узил-кесил аниқлаб беради.

Тошкентда «Пахтакор» ва МҲСК ўртасидаги ярим финал учрашувида ҳам ҳозирча бирор жамоа яққол устунликка эришолмади. Томонлар шу қадар шиддаткорлик билан тўп суришдики, кўпинча бу қоида бузиш билан якунланиб турди. Натижада бош ҳакам Р. Айтеков дамбадам ҳуштак чалиб, қўполликка йўл қўйган ўйинчини огоҳлантиришига тўғри келди. Биринчи таймнинг ўзида ҳар бир командадан учтадан ўйинчига сариқ карточка кўрсатилди. Ҳисоб эса 1:1 эди. Аввалига армиячи Шуҳрат Раҳмонқулов ўзини кўрсатган бўлса, кейин пахтакорчилардан Бозоров жавоб тўпини киритди.

Иккинчи таймда ҳам ўйин аввалгича давом этди. Қоида бузишларнинг хунук натижаси шу бўлдики, рақибига оғир жароҳат етказгани учун пахтакорчи Ширшов майдондан чиқариб юборилди. Ортиқча ўйинчига эга бўлган армиячилар ҳамлани янада кучайтиришди. Лекин қарши ҳужумларнинг бирида дарвозабон билан яккама-якка чиққан Д. Назаров имкониятни қўлдан бермади.

Мағлубиятга учраш хавфи армиячиларни тўхтовсиз олға ундаб турди. Йигирма минутча давом этган қамал ҳолати «Пахтакор» дарвозасини ишғол қилиш билан якунланди. Командадошларидан бири ўрнига майдонга тушган Равшан Дўрмонов тўп муаллифи бўлди.

Такрорий ўйинда дуранг натижа бўлиши мумкин эмас. Лекин беихтиёр савол туғилади: ғалаба учун бу қадар босар-тусарини билмай интилиш, бир-бирига аёвсиз шикаст етказиш ўринлими?

Афтидан, мураббийлар ва ўйинчилар футбол шунчаки ғалабалар туфайли эмас, балки моҳирона тўп суриш, рақибни алдаб ўтиш, кутилмаган зарбалар бериш, тўпни бехато ошириш ва ҳоказо каби жиҳатлари билан мафтункор эканлигини унутиб қўйган кўринишади. Айниқса, кучли жамоалар билан учрашганда бу ҳал қилувчи аҳамият касб этишини унутмаслик жоиз.

Бир мухлис сифатида истардикки, ғалаба чиройли ўйиннинг узвий якуни бўлиши керак. «Така бўлсин сут берсин» қабилида иш тутиш футболни бебурд қилишга олиб келади, холос.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**


Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0565, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.